

**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги**  
**Самарқанд вилояти ҳудудий Инновацион ривожланиш бошқармасининг**  
**НИЗОМИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Худудларни инновацион ривожлантириш бошқармаси (кейинги ўринларда “Бошқарма” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5047-сон қарорига асосан Инновацион ривожланиш вазирлигининг Самарқанд вилоят бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб юритилади) нинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Бошқарма ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

4. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимлигининг тегишли хизматлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, шунингдек бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

**II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари**

**5. Қўйидагилар Бошқарманинг вазифалари ҳисобланади:**

вазирликка юклатилган асосий вазифалар ва функцияларнинг худудларда ижросини таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар томонидан шакллантирилган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

ҳудудлардаги илм-фан ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Инновацион фаолият ва технологиялар трансфери марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

вилоятда инновацион инфратузилмалар (инновацион марказлар, трансфер марказлари, инновацион тадбиркорлик субъектлари, бизнес акселератор, бизнес-инкубаторлар, технопарклар ва бошқалар) ни ташкил этиш ва фаолиятини юритишга кўмаклашиш;

вилоят иқтисодиёти муаммолари ечимига қаратилган фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар мавзуларини шакллантириш асосида ҳудудлар илмий салоҳиятини такомиллаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва улар асосида мавзуларни танловларга тақдим этиш;

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини ташкил қилишга қаратилган самарали тадбирларини амалга ошириш;

инновацион ғоялар ва ишланмаларнинг кўргазма ва ярмаркаларини ташкил қилиш, илмий-амалий семинарлар ва анжуманлар, шунингдек соҳадаги долзарб мавзуларда қисқа ўқув курсларини ташкил қилиш;

вилоятнинг иқтисодий ва инновацион рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга илғор замонавий технологияларни жорий қилишга йўналтирилган самарали тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш;

корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг инновация масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда инновацион марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

вилоятни инновацион ривожланиши масалаларида республика қонунчилигида белгиланган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш инновацион технологиялардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиғи ва қурилиш соҳаларида инновациялар ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш, вилоятнинг инновацион салоҳиятини, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, фаолияти самарадорлигини ошириш, хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш;

инновацион фаолият билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан уларнинг айрим тармоқларга ва умуман ҳудудни инновацион ривожлантиришга қисқа муддатли ва узоқ муддатли таъсирини баҳолаш.

вилоят ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлай оладиган фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга йўналтирилган инновацияларни жорий этиш;

ижтимоий ривожланишга, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига инновацияларни жорий этиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимига инновацияларни жорий этиш;

вилоятда илмий-техник ва инновацион сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг илмий-техникавий дастурларини вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқлашни ташкил қилиш;

ноу-хауларни ишлаб чиқаришга, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техника маҳсулотлари бозорини кенгайтиришга йўналтирилган замонавий технологияларни жорий этиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда иштирок этиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*б. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:*

макроиқтисодий, солиқ-бюджет, пул-кредит параметрлари, шунингдек, интеграция жараёнларининг таъсирини баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда вилоят иқтисодиётининг тармоқларини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш дастурларининг шакллантиришга кўмаклашади;

хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ва унинг тузилмасини тубдан ўзгартиришга, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига унинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини оширишга кўмаклашади;

инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашади;

вилоят иқтисодиётини жадал ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этади;

қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга қаратилган инновацияларни жорий этиш соҳасида:

юқори технологияли тармоқларнинг маҳаллий хом ашё ресурслари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишлашни чуқурлаштиришга мўлжалланган фаол агросаноат сиёсатининг зарур механизмларини яратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, шунингдек, унинг аҳоли учун максимал ҳаммабоплиги ва хорижий бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича дастурларни тайёрлайди;

мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли қишлоқ хўжалиги» концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шакллари жорий этиш таклифларини ишлаб чиқади;

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **III. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

7. Бошқарма ишлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ушбу Низом ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларига мувофиқ мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

#### **8. Бошқарма бошлиғи:**

Бошқармага фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларининг ишларини ташкил қилади ҳамда бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишига масъул ҳисобланади;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларининг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бошқарманинги йиллик/ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун вазирликка киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб бориши таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

#### **9. Илмий фаолиятни ривожлантириш бўйича бош мутахассис:**

инновациялар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда давлат ва жамият қурилишига жорий этиш, шунингдек, ҳудудда илмий тадқиқотлар ва илғор технологияларнинг устувор ва истиқболли йўналишларини ривожлантириш стратегиясини белгилаш масалаларида масъул ҳисобланади ва унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳудуд, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги тенденцияларни атрофлича таҳлил қилиш асосида, асосий иқтисодий кўрсаткичлар динамикасида ҳамда таркибий ва институционал ўзгаришларни инobatга олган ҳолда инновацион ривожланиш усул ва тадбирларини амалий қўллашни таъминлайди;

шаҳар ва туман ҳокимликлари аппаратларининг инновация фаолияти билан боғлиқ таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати

ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

худуднинг инновацион ривожланишида белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ шаҳарлар ва туманларни инновацион ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

худудда ҳамда ундаги корхона ва ташкилотларида инновацион фаолиятни унинг самарадорлик индикаторлари асосида ўрганиш ва ҳолатини баҳолашни амалга оширади, мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифларни йиғади ва умумлаштиради;

худуд, шаҳарлар ва туманларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётда, энг аввало, саноатда ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни замонавий инновацион технологиялар ҳамда усул ва услублар асосида амалга оширилишини таъминлайди;

инновацион тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилишда ҳудудий бошқарув органларининг масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил қилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқади;

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ барча дастурларда инновацион услуб ва технологияларни жорий қилишни назарда тутлади. Шу асосда ҳудудий инвестиция дастурлари, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник янгилаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари, маҳаллийлаштириш дастури, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурлари, янги иш ўринлари ташкил этиш ва бандликни таъминлаш дастурлари, шунингдек бошқа ҳудудий дастурлар амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

худуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, инновацион технологияларга эга бўлган экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишни ташкил қилади;

10. Инновацион лойиҳалар ва тижоратлаштириш масалалари бўйича бош мутахассис:

худудда фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши, уларни экспертизадан ўтказиш ва белгиланган тартибда молиялаштириш ҳамда улар ижросини мониторинг қилиш ишларига масъул ҳисобланади ва унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамият бошқарувини ривожлантиришга қўмаклашиш, давлат хизматлари сифатини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этади;

молиялаштирилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан жамоат назоратини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этади;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг ишлаб чиқилиши, шунингдек, уларнинг ярмарка-кўргазмаларини ташкил этади, илмий тадқиқотлар натижаларини тарғиб қилиш ва амалий фойдаланиш механизмларини шакллантиради;

илмий-техникавий лойиҳалар, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат экспертизасини ташкил қилади;

баҳолаш ва ўрганиш натижалари асосида илғор технологияларни биринчи даражада жорий этишни талаб қиладиган тегишли тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

инновацион жараёни амалга оширишнинг энг мақбул вариантини тизимлаштиради, аниқ вазиятлар учун оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқади;

ҳудуд иқтисодиёти учун долзарб ҳисобланган ишланмаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳалар натижалари бўйича лицензия келишуви асосида ҳамда амалий ишланмалар натижаларини амалиётга қўллаш бўйича лойиҳа ташаббускорлари ва ишлаб чиқариш вакилларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилади;

молиялаштирилган лойиҳаларнинг самарали ва мақсадли бадарилиши юзасидан мониторинг юритади.

#### 11. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш бўйича етакчи мутахассис:

янги эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, саноат зоналари, логистика хабларини яратиш ва амалдагиларининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, шунингдек, вилоятнинг инновацион салоҳиятини оширишга кўмаклашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларнинг ижросини таъминлайди;

инвестицияларни инновация инфратузилмалари объектлари ҳамда ресурс сарфи юқори бўлган тармоқларга жалб қилиш учун давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

атроф-муҳитни ифлослантириш даражасини камайтирадиган экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш қобилиятини оширишни назарда тутувчи «яшил иқтисодиёт» технологияларини жорий этишга кўмаклашади.

Шунингдек, етакчи мутахассис:

бошқармада ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назорат учун шахсан масъул ҳисобланади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томоилама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади,

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

мазкур Низомга ва вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

12. Бошқарма томонидан вазифа ва функцияларнинг бажарилиши вазирлик томонидан баҳоланади.

13. Бошқармани сақлаш харажатлари ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.


**ТАНИШДИМ:**

**Бошқармаси бошлиғи**



**Н.Мардонов**

**Бош мутахассис**



**А.Нарбаев**

**Бош мутахассис**



**А.Суяров**

**Етакчи мутахассис**



**С.Хайруллаев**

**Раҳбар котиби**



**Э.Данабоев**